БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 137 (17.121). ● 17 июнь 1978 йил, шанба ● Баҳоси 2 тийин.

«СОЮЗ-29» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1978 йил 15 июнда Москва вақти билан соат 23 дан 17 минут ўтганда «Союз-29» космик кемаси учирилди. Кема командири СССР космонавт-учувчиси полковник Владимир Васильевич Коваленок билан борт инженери Александр Сергеевич Иванченковдан иборат экипаж кемани бошқармоқда.

«Союз-29» кемасининг учиш программасида «Салют-6» орбитал илмий станцияси билан туташтириш ҳамда «Салют-6»—«Союз» орбитал комплекси бортида «Союз-26», «Союз-27», «Союз-28» космик кемаларининг экипажлари ишлаган даврда бошланган тадқиқотлар ва экспериментларни давом эттириш кўзда тутилади.

Космонавтлар В. В. Коваленок билан А. С. Иванченков ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. «Союз-29» кемасининг борт системалари нормал ишламоқда.

Космонавтлар учиш программасини бажара бошладилар.

* * *

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 июнь (ТАСС). Москва вақти билан соат 12.00 гача «Союз-29» космик кемаси Ер теварагидан 9 марта айланиб учди.

Ҳаракат траекторияси бугун эрталаб ростлаб қўйилганидан сўнг кема орбитасининг параметрлари қуйидагича бўлди:

— Ер юзидан максимал олислиги — 314 километр;

— Ер юзидан минимал олислиги 270 километр;

— айланиш даври 90 минут;

— орбитанинг оғиши 51,6 градус.

Телеметрик информация маълумотлари ва космонавтларнинг докладларига кўра, «Союз-29» кемасининг бортидаги ҳамма системалар нормал ишлаб турибди. В. В. Коваленок билан А. С. Иванченков ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Сурхондарё областининг Ленин йўли районидаги Ленин номли совхозининг ғаллакорлари бугдой ўримини қизғин олиб бормоқдалар.

Ғаллакорлар пландаги 18 центнер ўримга ҳар гектар ердан 40 центнердан бугдой янчиб олишни мўлжалламоқдалар. Суратларда: хўжаликнинг илғор комбайнчиси коммунист Абдураҳмон Исаев [Унинг шахсан ўзи 400 тонна ғалланы ўриб-йиғиб янчиб беришга ахд қилган] ва ғаллазорларда ўрим пайти тасвирланган.

Э. Хўжаев фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин расмий визит билан Совет Иттифоқига келган Дания ташқи ишлар министри К. Б. Андерсенни 16 июнь куни Кремлда қабул қилди.

Ишчанлик ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет-Дания муносабатларини янада ривожлантириш масалалари хусусида, шуниндек ҳар икки томонни қизиқтирувчи актуал халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Иккала томон СССР билан Дания ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг аҳволидан мамнун эканлигини изҳор этди, иккала томон совет халқи ва дания халқи манфаатларини, Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, турли соҳаларда мустаҳкам ва ўзаро манфаатли асосда самарали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга интилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Халқаро проблемаларни муҳокама қилган вақтда Совет Иттифоқи билан Дания кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлашни, уни стабил ва муқаррар жараёнга айлантиришни, қуролланиш пойгасини тўхтатишни ва ядро уруши хавф-хатарини тугатишни ҳозирги халқаро муносабатларнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблаётганликлари таъкидланди.

Бухоролик қоракўлчилар ташаббуси изидан

ЧОРВА ЙИЛИ КЕЛДИ

Совхозимиз қоракўлчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бухоро области қоракўлчиларининг ватанпарварлик ташаббуси ҳақидаги қарорини ҳамда бухоролик ҳамкасбларимизнинг тадбирларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар, уни чин юракдан маъқуллаймиз. Йил чорва йили келди, бу йил камида икки ярим-уч йиллик план миқдорида ем-хашак жамғариб олиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Совхозимиз асосан қоракўлчиликка ихтисослаштирилган. Фермаларимизда 23 минг бошдан зиёд қўй-қўзилар боқиляпти, бу йил туёқ сонини кўпайтириш планини 103 процент бажардик. Шуниси қувончлики, эгиз қўзилар олишни кўпайтириш йўли билан қўй-қўзиларнинг наслини яхшилаб олдик, қари қўйларни «ремонт»га чиқардик. Устиришга қолдирилган қўзиларнинг ҳаммаси соғлом, келгусида наслли қўзилар беради. Шунинг учун уларни зоотехника қоидалари асосида боқяпмиз.

Биз бухороликлар ташаббуси асосида қоракўл тери, гўшт, жун ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни 1980 йилгача ҳозиргига нисбатан икки баравар кўпайтириш режаларини белгиладик. Масалан, бу йил ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига ўстиришга 100 тадан қўзи қолдирдик, келаси йили бу рақамни 120 тага, ундан кейин 130 тага етказамиз. Чиким йўлларини бутунлай беркитиб ташлаймиз.

Гўшт етиштиришни кўпайтириш резервларидан бири бўрдоқичиликни ривожлантиришдир. Районимизда совхозлараро бўрдоқичилик базалари ишлаб турибди, ҳар бош қўйнинг тирик вазни ўртача 45-50 килограммга етказилиб гўштга топширияпти. Афсуски, айрим фермаларимизда қўйлар яхши тарози босмас эди. Бухороликлар ташаббуси асосида совхозимиз бўйича ҳамма қўйларни камида 50 килограмм семиртириб гўштга топширамиз, ундан ориқ қўйларни топширмаймиз. Бўрдоқичилик ҳам гўштни кўпайтириш, ҳам туёқ сонини сақлаб қолишда асосий манбадир.

Шу кунларда хўжалигимизда чорва қишлови учун ем-хашак жамғариш тезкорлик билан олиб борилмоқда, хозирдаёқ бир ярим план миқдорида хашак ўриб, қишлов жойларга ғарамлаб қўйдик. Ўрим тезкорлик билан олиб бориляпти, яқин кунларда ем-хашак тайёрлаш икки йиллик планини бажарамиз, шундан кейин сўнгги ҳужумга ўтиб, уч йиллик план маррасини эгаллаймиз.

Ғаллазорларда ўрим-йиғимни жадал ўтказиб, ҳам донни, ҳам сомонни тўла йиғиштириб оламиз. Қишлов учун зарур бўлган бошқа чораларни ҳам кўрамиз.

Уктам ЕДГОРОВ,
Қўшработ районидаги «Партия XXУ съезди» совхозининг бош зоотехниги.

ХАЛҚ РАССОМИ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

СССР Бадиий академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР халқ рассоми Раҳим Аҳмедов асарларининг республика пойтахтидаги марказий виставкалар залида очилган кўргазмасини ўн минг киши келиб кўрди. Бу экспозиция ўз талантини халқ хизматига, меҳнат аҳлини эъзозлашга, замонамизнинг қаҳрамонона ишларига бағишлаган мўйқалам устаси 25 йиллик ижодий фаолиятининг ўзига хос якунидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева 15 июнь куни кўргазмани келиб кўрдилар. СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР халқ рассоми М. К. Аникушин, Кремлдаги В. И. Ленин кабинети ва уйи музейининг директори А. Н. Шефов улар билан бирга экспозицияни кўздан кечирдилар. (ЎзТАГ).

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети 1978 йилда пиллачилик соҳасидаги социалистик мусобака якунларини кўриб чиқиб, қуйидаги областларни социалистик мусобақа ғолиблари деб топдилар ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари ва дипломлари билан мукофотладилар:

Андижон области — бу область давлатга 4446 тонна пилла сотиб, пилла тайёрлаш давлат планини 120,5 процент бажарган, ҳар кути қурт уруғидан 80,7 килограмм пилла ҳосилдорлигини ва пилланинг сорт составини 88,8 процент бўлишини таъминлаган;

Самарқанд области — бу область давлатга 3257 тонна пилла сотиб, пилла тайёрлаш давлат планини 120,6 процент бажарган, ҳар кути қурт уруғидан 77,5 килограмм пилла ҳосилдорлигини ва пилланинг сорт составини 85,2 процент бўлишини таъминлаган;

Бухоро области — бу область давлатга 3739 тонна пилла сотиб, пилла тайёрлаш давлат планини 125 процент бажарган, ҳар кути қурт уруғидан 68,6 килограмм пилла ҳосилдорлигини ва пилланинг сорт составини 83,7 процент бўлишини таъминлаган.

Қорақалпоғистон АССР, Фарғона, Сирдарё, Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Хоразм областлари пиллачиларининг яхши иши қайд этилди.

Республиканинг пилла тайёрлаш давлат планини бажариш, унинг ҳосилдорлиги ва сорт состави соҳасида энг юқори кўрсаткичларга эришган қуйидаги районларни 1978 йилда пиллачилик борасидаги социалистик мусобақа ғолиблари деб топилди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Қизил байроқлари ва дипломлари билан мукофотланди:

Қорақалпоғистон АССРнинг Амударё райони, Андижон областининг Хўжаобод райони, Бухоро областининг Бухоро райони, Жиззах областининг Жиззах райони, Қашқадарё областининг Китоб райони, Наманган областининг Янгиқўрғон райони, Самарқанд областининг Пахтачи райони, Сурхондарё областининг Термиз райони, Сирдарё областининг Оқолтин райони, Тошкент областининг Ғалаба райони, Фарғона областининг Фарғона райони, Хоразм областининг Гурлан райони.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва «Ўзбекбирлашув»га алоҳида ўрнак кўрсатган пиллачиларни мукофотлаш билан боғлиқ топшириқлар берилди.

1978 ЙИЛДА ПИЛЛАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ИЛҒОРЛАРГА—ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети 1978 йилда мева-сабзавотчилик соҳасида областлар, районлар ва хўжаликлар учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Давлатга сабзавот, хўл мева, узум, картошка ва полиз маҳсулотларини белгиланган муддатларда ва ассортиментда сотиш юзасидан юксак кўрсаткичларга эришган илғор областлар ва хўжаликларни рағбатлантириш мақсадида 1978 йилда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг қуйидаги кўчма Қизил байроқлари таъсис этилади:

Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун битта;

районлар учун иккита, булардан бири мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилган ихтисослаштирилган районлар учун;

колхозлар учун битта;

совхозлар учун иккита; булардан бири «Узплодоовощвинпром» бирлашмасининг совхозлари учун.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини 1978 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Таёрлаш министрлигининг тақдимномасига мувофиқ навбатдаги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай, ҳар ойда иш натижаларига қараб бериб боришга қарор қилинди.

Кўчма Қизил байроқларни бериш чоғида мева-сабзавотчилик хўжаликлари ва илғорларини рағбатлантириш учун:

Қорақалпоғистон АССР ва областларга 1000 сўм, районларга — 500 сўм, колхоз ва совхозларга 250 сўмдан пул топширилсин.

Кўчма Қизил байроқлар берилган чоғда «Узбекбирлашув»:

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетларига учтадан, район ижроия комитетларига иккитадан, колхоз ва совхозларга биттадан «Москвич» ёки «Жигули» енгил автомашиналарини мева-сабзавотчилик илғорларига сотиш учун ажратсин.

УЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИДА

Шу йил 27 июнда Руминия Социалистик Республикаси пойтахти Бухарестда Ўзаро Иктисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXII мажлиси очилади.

Ўзаро келишувга мувофиқ, сессиянинг мажлиси Ўзаро Иктисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари иштирокида ўтади.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЕНҒИННИ УЧИРИШДА ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Енғинни ўчиришда мардлик ва жасорат кўрсатганликлари учун қуйидагилар СССР Олий Совети Президиуми номидан «Енғинни ўчиришда жасорат кўрсатганлик учун» медали билан мукофотлансин:

Абабакиров Исмоилхўжа Умарович — ички хизмат лейтенанти;

Акрамов Умаралн — ички хизмат старший сержанти;

Аширов Собиржон — ички хизмат оддий аскари;

Башлаков Петр Матвеевич — ички хизмат полковниги;

Бегельман Петр Борухович — ички хизмат полковниги;

Чулков Юрий Васильевич — ички хизмат старший лейтенанти.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 16 июнь.
Тошкент шаҳри.

АСАЛАРИЧИЛИКНИ САНОАТ НЕГИЗИГА ЎТКАЗАЙЛИК

Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг асал етиштириш технологиясини такомиллаштириш ва пакет асаларичилик соҳасида орттирган тажрибаси олимлар ва асаларичиларнинг 15 июнь куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ симпозиуми темасидир.

Уч кун давом этадиган симпозиум ишида В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг олимлари, РСФСР, Козогистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон илмий-тадқиқот институтларининг вакиллари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва «Ўзбекбирлашув»га алоҳида ўрнак кўрсатган пиллачиларни мукофотлаш билан боғлиқ топшириқлар берилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва «Ўзбекбирлашув»га алоҳида ўрнак кўрсатган пиллачиларни мукофотлаш билан боғлиқ топшириқлар берилди.

Полковник Владимир Васильевич Коваленок

«Союз-29» космик кемасининг командири, СССР космонавт-учувчиси Владимир Васильевич Коваленок 1942 йил 3 мартда Минск областининг Крупск районидаги Белое қишлоғида туғилган.

У 1963 йилда Балашов учувчилар олий ҳарбий-авиация билим юртини тамомлади. Сўнгра ҳарбий-транспорт авиациясида хизмат қилди. Учувчи бўлиб ишлаган вақтида самолётларнинг бир неча типини ўзлаштирди — 1600 соатдан кўпроқ учди. Владимир Васильевич ҳарбий ҳаво кучлари парашют-десант таёргарлик инструкторидир.

В. В. Коваленок 1962 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Владимир Васильевич 1967 йилда космонавтлар отрядига қабул қилинди. У космик учишларга тайёргарликнинг тўлиқ курсидан ўтиб, бунда чуқур билимли эканлигини кўрсатди. Космик кемаларнинг янги системаларини учиш вақтида синаб кўришда қатнашди. Киши бошқарадиган космик кемалар ва орбитал станцияларни бошқаришда иштирок этди.

В. В. Коваленок космонавтлар тайёрлаш марказидаги ишдан ажралмаган ҳолда Ю. А. Гагарин номли ҳарбий ҳаво академиясини 1976 йилда битириб чиқди.

Владимир Васильевич Коваленок 1977 йил октябрь ойида «Союз-25» кемасининг командири сифатида космосга биринчи марта парвоз қилган эди.



Александр Сергеевич Иванченков

«Союз-29» космик кемасининг борт инженери Александр Сергеевич Иванченков 1940 йил 28 сентябрда Москва областининг Ивантеевка шаҳрида туғилган.

1964 йилда Москва авиация институтини тамомлагандан кейин конструкторлик бюросида ишлади, бу ерда у ўзини ташаббускор, билимдон инженер сифатида кўрсатди, янги космик аппаратларни ишлаб чиқишда қатнашди.

А. С. Иванченков 1972 йилдан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Александр Сергеевич космик учишларга 1970 йилдан тайёргарлик кўра бошлади. У киши бошқарадиган «Союз» кемаси ва «Салют» орбитал станцияси программасига мувофиқ учишга тайёргарликнинг тўлиқ курсидан ўтди. Бир неча марта «Союз» космик кемалари борт инженерларининг дублёри бўлган.

Бундан ташқари А. С. Иванченков «Союз» ва «Аполлон» кемаларининг биргаликдаги космик парвозига борт инженер сифатида ҳам тайёргарлик кўрган эди.

ОҚ ЙЎЛ, «ФОТОНЛАР!»

«СОЮЗ-29» КОСМИК КЕМАСИНИНГ ПАРВОЗИ ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ

Космонавтларни тайёрлаш марказининг раҳбари авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговой «Союз—Салют» группасига бирлашган космонавтлар ҳозир қандай программалар устида ишлаётганликлари тўғрисида мана шу учишдан бир ой илгари бизга қисқача сўзлаб берди.

Халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари, деди у, космик тадқиқотлар олдига тобора каттароқ ва кўпроқ вазифалар қўйишмоқда.

Мана энди янги сафар, коинотни ўзлаштириш йилномасида янги саҳифа бошланди!

«Союз-29» командири 36 ёшли Владимир Коваленокни биз кўпдан буён биламиз. Кўпгина стартлар вақтида дублёр экипаж командири иш ролини бажариб, космонавтлар группасида у нақадар тиришқоқлик билан ишлаганини биламиз. 1977 йил куз фаслида «Салют-6» билан бирга ишлаш учун парвоз қилган биринчи кеманинг командири бўлиш ишонич топширилган эди. Бироқ, станцияга ўтишнинг иложи бўлмади. «Демак, янада каттиқроқ ишлаш керак», — деган қарорга келди командир.

— Бу воқеа Владимир Коваленокнинг «бардамлик запаслари» ғоят катталигини намойиш қилди, — дейди космонавтларни тайёрлаш маркази бошлиғининг ўринбосари А. А. Леонов. — Унинг иш қобилиятининг зўрлиги аввалари ҳам Звезднийдагиларнинг тилидан тушмас эди. Аввалги экспедициянинг бутун 96 куни мобайнида у учишни ерда туриб таъминлаш группасида дублёр экипаж командири сифатида ишлади ва айни вақтда А. Иванченков билан бирга ўзининг иккинчи парвозига ҳозирлик кўрди.

Александр Иванченков — тажрибали инженер. Москва авиация институтини тугатган А. Иванченков таниқли мутахассис конструктор бўлиб қолганида космонавтлар отрядига келган эди. «Союз-Аполлон» программасига мувофиқ биргаликдаги Совет—Америка парвозига ҳозирлик кўрган дублёр экипажлардан бирининг составида бошқариш системасининг билимдони эканлигини кўрсатди.

Старт олдидан сўнгги соатлар. Ракетага ёқилғи қуйилгач, унинг вазни қариб ўн баравар ошди. Ҳа, орбитага етти тоннали космик кемани чиқариб қўйиш ана шундай қимматга — уч юз тонна ёқилғи ва металлга тушади.

Жуда катта зарғалдоқ қуёш уфққа бош қўйди, лекин старт майдончасидаги бетондан ҳали иссиқ уфуриб турибди. Қиров босган ракетадан икки-уч метр наридагина салқин шабада эсиб турибди. Дашт тунга чўмган бўлса ҳам, салқиндан дарак йўқ. Оппоқ скафандр кийиб олган космонавтларга ҳавасимиз келади. Скафандрларга улар қўлларида кўтариб бораётган қутидаги вентилятор ҳам кислород, ҳам салқин ҳаво юбориб туради. Ҳар иккала космонавт ракетадан 50 метр чамаси берида автобусдан тушдилар. Биринчи бўлиб эшикда Коваленок пайдо бўлади. Унинг мовий кўзлари қувончга тўла эканлиги прожекторлар нурида аниқ кўриниб турибди. У борт инженерига қўлини узатиб, унинг тушишига кўмаклашди. Ҳатто барваста Иванченков ҳам космик шубаларда япаски ва қўполроқ бўлиб кўринади. Комиссия раисига рапорт берилади. Лифт томон йўл олган космонавтлар кетидан аранг улгураётган кузатувчиларнинг кети узилмайди. Орадан 15 минут ўтгандан кейин биз кузатиш пунктида «Фотонлар»нинг— экипажнинг позивнойлари ана шундай — овозини эфирда эшита бошладик. Учиш раҳбари ва космонавтларнинг сўзлашувларидан, шунингдек старт олдидан кетма-кет берилаётган аниқ командалардан гарчи «Учирилсин!» деган команда берилишигача бир неча минут кетган бўлишига қарамай ишлар бошланиб кетганлигини тушундик. Бу команда соат 23 дан 17 минут ўтганда берилади.

Мана, ниҳоят ярим кечага 43 минут қолганида дештни қўлбола қуёш ёритиб юборди — теварак атрофни чароғон этган оловнинг қирмизи чақнашидан кейин ракета кўкка кўтарила бошлади. Орадан 9 минут ўтганидан кейин эса командирнинг овозини эшитдик: «Дўстлар, биз орбитага чиқиб олдик. Ёрдамингиз учун раҳмат. Ишни бошламоқдамиз».

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
Бойқўнғир космодроми.

ИЛЬИЧ ҲАЙКАЛИ ЎРНАТИЛДИ

ЧИНОЗ (Тошкент области). 15 июнь куни шаҳар марказида тантанали вазиятда Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин ҳайкали очилди. Гранит ва бронзадан тайёрланган ўн бир метрли ҳайкални тошкентлик ҳайкалтарошлар Ф. И. Гришченко билан А. К. Аҳмедов яратганлар.

Бўлиб ўтган митингда Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Т. Охунова, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоздан партия ветерани Р. Турсунмуродов, ремонт заводининг слесари В. А. Сухомлинов ва бошқалар Ленин ғояларнинг тантанаси тўғрисида, район меҳнаткашлари КПСС XXV съезди режаларини муваффақиятли бажаришга қатъий қарор берганликлари ҳақида гапирдилар. Митингда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

Ҳайкал пойига гуллар қўйилди. [ЎзТАГ].

Комсомол аъзоси Саида Каримова ўрта мактабни тугатгач, Тошкент тўқимачилик комбинатига ишга борди. У пардозлаш фабрикасида тайёр маҳсулот сифатини текширувчи назоратчи касбини тез орада эгаллаб олди. Ҳозир бу илғор ишчи бир сменада нормадаги 7,5 минг метр ўрнига 10 минг метр газламани назоратдан ўтказмоқда [чапдаги сурат].

«Каршистрой» бошқармасига қарашли «Дренажстрой» трестининг 10-механизациялашган ишлар бошқармаси 1-участкаси коллективи Қарши чўлини ўзлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Сиз ўнгдаги суратда участка бошлиғи Б. Равшанов [ўртада], тажрибали механизаторлардан М. Карманов ва А. Ершовларни кўриб турибсиз. Улар бажариладиган ишларни режалаштириб олмоқдалар.

И. Глауберзон ва Ш. Шаропов фотолари.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

МЎЛ-КЎЛ ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРАЙЛИК

Озуқа жамғариш суръатлари кундан-кунга ўсиб бормоқда. Ҳозиргача 472 минг гектар майдондаги табиий ўтлар ўриб олинди, 2,1 миллион тоннадан зиёд хашак жамғарилди, ўраларга 1340 минг тонна сенаж бостирилди, 12,7 минг тонна ўт уни тайёрланди. 7 кун мобайнида 348 минг тонна озуқа тайёрланди. Бу ўтган ҳафтага солиштирганда 1,5 баравар кўпдир.

Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент областларининг қишлоқ меҳнаткашлари чорвачиликни юксалтиришга мустаҳкам замин яратмоқдалар. Бу областларда озуқа тайёрлаш плани 63-68 процент бажарилди, сенаж бостириш плани 106-109 процент адо этилди. Мазкур областларнинг хўжаликлари ўриб олинаётган ўтларнинг асосий қисмини сенаж қилиб бостиряптилар. Бу гуллаш палласигача ўриб олинган бедадан юқори сифатли озуқа тайёрлаш имконини беради.

Шу билан бир вақтда кўпчилик колхоз ва совхозлар озуқа тайёрлашни суст олиб боряптилар. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда озуқа тайёрлаш плани атиги 7,5 процент бажарилди, бир ҳафталик ўсиш бор-йўғи 4,4 минг тоннани ташкил этди, бу планнинг 1 процентига ҳам етмайди. Бухоро области хўжаликларида бир ҳафта ичида 8,5 минг тонна ёки планнинг 1,6 процента миқдорида озуқа жамғарилди.

Сирдарё ва Хоразм областлари хўжаликлари ҳам озуқа жамғариш суръатларини кескин пасайтириб юбордилар. Кегайли, Ленинобод, Жиззах, Ғаллаорол, Фориш, Оқдарё, Пахтачи, Булунғур, Нурота, Нарпай, Ворошилов, Гулистон, Комсомол, Сирдарё, Охунбобоев, Ленинград, Риштон ва бошқа қатор районларда 2 тадан 10 тагача агрегат ишламаяпти.

Уларни дарҳол ишга солиш, икки сменада ишлашини таъминлаш керак. Бу кўп жиҳатдан Кишлоқ хўжалиги министрлиги, «Узплодоовощвинпром» ва «Узсельхозтехника» бирлашмаси ходимларининг ташкилотчилигига боғлиқ. Ҳар бир агрегат иши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, хўжаликларга АВМ ва ОГМ агрегатларини монтаж қилиш ва ишга туширишда ёрдам бериш керак.

Кўпчилик хўжаликларда ғалла ўрими бошлаб юборилди. Келаётган хабарлар шуни кўрсатадики, ҳамма жойда сомон йиғиштиришга яхши ёндашилмаётир. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари барча сомонни йиғиштириб олишлари, унинг нест-нобуд бўлишига, талон-торож қилинишига йўл қўймасликлари зарур. Айрим колхоз ва совхозларда янги ўрилган беда массасини сенаж қилишда сомон қўшилмоқда. Бу тажриба ҳамма ерда қўлланилиши керак.

Қатор хўжаликларда суғориладиган ерлардаги дон экинлари ўрим-йиғими билан бир вақтда ҳосилдан бўшаган майдонларни ҳайдаш, маккажўхори ва бошқа такрор озуқа экинларини экишга киришилди.

Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари беда ўримини тезлатиш ва пичан, сенаж, витаминли ўт уни тайёрлаш суръатларини ошириш учун кўшимча чораларни кўришлари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг озуқа жамғариш бўйича олинган мажбуриятларни бажаришдаги масъулиятини оширишлари керак.

ШИМОЛНИНГ СУВИ ЖАНУБГА

МАДАД БЕРАДИ

ИНСОН ВА ТАБИАТ

СССР халқ хўжалигининг жадал ривожи сув ресурслари истеъмолининг тез ўсиши билан боғлиқ. Рақамларга мурожаат қилайлик. 1960 йилда мамлакатимизда тўла сув истеъмоли 150 куб километр (шундан қайта фойдаланилмайдигани 100 куб километр) бўлган эди. 1975 йилги маълумотларга қараганда бу рақам 315 куб километрга (қайта фойдаланилмайдигани 183 куб километрга) етди. Бу — Волгадек катта дарёнинг йиллик оқимидан (яъни 250 куб километрдан) анча кўп. Табиийки, келгусида саноат ва қишлоқ хўжалигида сув истеъмол қилиш янада кўпаяди.

Совет Иттифоқидаги дарёларнинг ўртача йиллик оқими 4.700 куб километрга тенг. Бу — хатто келажакдаги истеъмолдан ҳам бир неча карра ортиқлик қилади. Бироқ сув запасларимиз территориал жиҳатдан бир текис жойлашган эмас. СССР Европа қисмининг жанубий адирларида ва Ўрта Осиё республикаларида сув запаслари чекланган. Бу эса ҳозирнинг ўзидаёқ шу регионларда қийинчилик туғдирмоқда. Жанубдаги йирик саноат районларигина эмас (Донбасс). Марказ ва Уралдаги саноат районлари ҳам жиддий сув танқислигига дуч келмоқдалар. 1930—1945 йиллар орасида ачча узоққа чўзилган сув камчиллиги Каспий денгизи сатҳининг 1,9 метр пасайиб кетишига сабаб бўлганлигини, қўрғоқчил йиллар бизда ўқтин-ўқтин қайталаниб турганлигини ва, жумладан, 1972—1977 йиллардаги даврда сув кам бўлганлигини ҳам ҳисоба олиш лозим.

Мамлакатнинг Европа қисмида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг 80 проценти жойлашган, аҳолининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи шу ерларда яшайди, янгидан-янги шаҳарлар ва ишчи посёлкалари қад кўтармоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланишда Европа ва Ўрта Осиё районларининг салмоғи 80 процентдан ошади. Қишлоқ хўжалиги сув ресурсларининг асосий истеъмолчиси бўлиб қолмоқда. Жанубий ва қўрғоқчил жануби-шарқий районларда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, бу районларда муттасил мўл ҳосил олиш кўп жиҳатдан суғоришни жадал ривожлантиришга боғлиқ. Сарфланаётган сувнинг тахминан 70 проценти ҳозирнинг ўзидаёқ шунинг учун фойдаланилмоқда.

Совет ҳокимияти йилларида мамлакатнинг Европа қисмида сув хўжалиги қисқасида катта ўзгаришлар қилинди. Волга, Кама, Днепр, Дон, Кубань, Кура дарёлари бўйида комплекс сув омборлари, Москва номли, шимолий Донец-Донбасс, Днепр—Кривой Рог, Шимолий Қрим каналлари ва бошқа иншоотлар қурилди. Днепр — Донбасс каналининг иккинчи навбати қурилмоқда. Сув ресурсларини территориал жиҳатдан қайта тақсимлаш асосан Волга ҳавзаси билан Днепр ҳисобига амалга оширилди. Бироқ бу ишлар яқин келажакда ҳам, айниқса олис истиқболда ҳам ҳамма эҳтиёжларимизни қондира олмаслиги ҳозирнинг ўзидаёқ мутлақо равшан.

Печора, Шимолий Двина ва Онега дарёлари, Онега ва Ладога кўллари оқимининг бир қисмидан Волга ва Днепр сув ресурсларини тўлдириш учун фойдаланишнинг вариантлари кўпдан бери ишлаб чиқилмоқда. «Гидропроект» институти. Печора дарёси юқори оқимидаги сувнинг бир қисми йўлини ўзгартириб, унинг кўп йиллар мобайнида тартибга солинишини сув омборлари орқали таъминлашни таклиф қилмоқда. «Союзводпроект» институтининг варианти Ижма дарёси сувининг бир қисми йўналишини ўзгартиришни назарда тутмоқда, СССР Фанлар академияси сув проблемалари институти эса яна бир йўлни Пижма дарёси орқали ўтказиш мумкинлигини айтмоқда. Печоранинг 30 куб километр чамаси сувини Волга ҳавзасига буриб юбориш мўлжалланмоқда. «Гидропроект» институтининг Ленинград филиали Ладога ва Онега кўлларидан йилига 15 куб километр сувни Волга ҳавзасига ўтказиш мумкин деб ҳисоблайди. Аммо бу таклиф ҳали илмий-техникавий жиҳатдан жиддий равишда асослаб берилиши керак.

Шу филиалнинг ўзи ва айни вақтда «Союзводпроект» институти Онега ва Шимолий Двина сувларидан фойдаланишнинг турли схемаларини таклиф қилдилар. Мазкур институтларнинг биринчиси дарёларнинг юқори оқимлари сувининг йўлини ўзгартириш кераклигини айтса, иккинчиси Шимолий Двина дарёсининг қуйи оқимидаги сувнинг бир қисмини Онеганинг ўрта оқимига ва сўнгра Рибинск сув омборига оқизишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Шимолий Двина дарёси Волга дарёсига 40 куб километргача, Онега дарёси эса саккиз куб километргача сув бера олиши тахмин қилинмоқда. Шунча ҳажмдаги сувнинг йўлини ўзгартириш учун катта қувватга эга бўлган насос станциялари қуриш ҳамда трассадаги дарёлар ва каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини текшириш керак бўлади.

Мутлақо мақбул ечим ҳозирча топилгани йўқ. Лойиҳа чизмаларида Каспий ва унинг балиқ хўжалиги проблемаларини ҳал этиш имконияти аниқ таърифлаб берилмаган, сувнинг тозалигини сақлаш, уларни аҳоли ва халқ хўжалигини тоза чучук сув билан таъминлаш учун, балиқ ва сувда сузувчи парранда яшаши учун яроқли ҳолатда тутиш масалалари кўриб чиқилмаган. Айрим вариантларни кўриб чиқиш вақтида катта капитал харажат қилиш зарурлигинигина эмас, шу билан бирга табиий системалардаги ўзгаришларнинг экологик оқибатларини ҳам назарда тутишга тўғри келади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг сув таъминоти масаласи тобора ўткирлашиб бормоқда. Мамлакатдаги мунтазам суғориладиган ерларнинг деярли ярмиси — олти миллион гектари шу ерда жойлашган. Ўрта Осиё билан Қозоғистон пахтанинг 95 процентини, шолининг 40 процентини, сабзавот ва полиз экинларининг 25 процентини, мева ва узумнинг анчагина қисмини етиштириб бермоқда. Бу ердаги табиий иқлим шароитлари деҳқончилик учун жуда қулай, суғориладиган ерларни кўпайтириш учун ҳам катта имкониятлар бор. Масалан, Қарши ва Жиззах даштларидаги, Амударё этакларидаги (Ўзбекистон ССР), Қорақум канали зонасидаги (Туркманистон ССР), шунингдек Сирдарёнинг қуйи оқими районидаги (Қозоғистон ССР) беполён массивлардан фойдаланиш мумкин. Бу ерда меҳнат ресурсларининг борлиги ва ўсиб бораётганлиги қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

Мамлакатнинг шу зонасидаги сув оқими ҳажми йилига 130 куб километрга, сув камчил йилларда эса сал кам 95 куб километрга боради. Орол ҳавзасининг асосий дарёлари бўлмиш Амударё билан Сирдарёнинг сув ҳажми кескин ўзгариб туради, улардаги сув камчиллиги даврлари узоқ давом этади. Бу эса улардан сув хўжалиги мақсадларида фойдаланишни чигаллаштиради, катта-катта сув омборлари қурилишини талаб этади.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда катта сув хўжалиги қурилиши олиб борилмоқда. Қорақум канали қурилиши давом этмоқда, унинг лойиҳадаги 1.000 километридан 800 километрга яқини ҳозирнинг ўзидаёқ обиҳаёт бермоқда. Фарғона канали ва бошқа кўпгина каналлар қурилди. Иртиш суви Иртиш — Қарағанда канали орқали Қозоғистонга келтирилди. Норин. Вахш ҳавзаларида гидроэлектростанциялар тизмаси (Тўқтогул, Норак ва бошқа станциялар) барпо этилмоқда. Катта-катта сув омборлари қурилмоқда. Шу региондаги сув манбалари оқимини кўп йиллар мобайнида тартибга солиб туриш тадбирлари мўлжалланмоқда. Катта майдонлардаги эски суғориш системалари қайта қурилмоқда, уларнинг самарадорлиги оширилмоқда.

Бироқ, илмий прогнозлар ва лойиҳа чизмалари шуни кўрсатиб турибдики, яқин келажакда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ўз сув ресурслари ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмай қолиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ деярли ҳар йили сув таъминоти соҳасида қийинчиликлар келиб чиқмоқда.

Обь ва Енисей оқимининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга буриб юориш тўғрисидаги таклиф кўпдан бери ўртага қўйиб келинар эди. Ҳозирги вақтда бу таклифни амалга оширишнинг реал ниҳоналари кўринмоқда. СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Союзводпроект» бош лойиҳа ташкилоти шу дарёлар сувининг бир қисми йўлини ўзгартиришга доир техникавий-иқтисодий негизларининг асосий қоидаларини ишлаб чиқди.

Обь билан Иртишнинг кўп йиллик ўртача жами оқими 330 куб километрдан, сув камчил бўлган йилларда эса ўрта ҳисобда 290 куб километрдан ошади. Шу иккала дарё туташадиган жойдан янги каналга сув олиш мўлжалланмоқда. Биринчи навбатда 25 куб километргача миқдордаги сув йўлини жанубга буриб юориш таклиф қилинмоқда. Канал Обь дарёси бўйидаги Белогорье қишлоғи ёнидан бошланади, деб лойиҳалаштирилмоқда. Асосий канал Вагай дарёсининг Иртишга қуйиладиган жойидан ўтиб, Иртиш-Оболь қайир ерлари бўйлаб жанубга йўл олади. Сўнгра у Убаган дарёси водийсига, Иртиш билан Сирдарё оралиғидаги Тўрғай пасттекислигига ўтади. Шу йўлда сув Қуйи Иртиш гидроузелларидаги тўрт погонали насос станциялари ёрдамида ва каналнинг ўзидаги тўрт погонадаги насос станциялари ёрдамида чамаси юз метр кўтариб берилади. Канал Тўрғай ясси тоғлигини четлаб ўтиб, Тўрғай дарёси ўнг қиялиги орқали Тенгиз сув омборига қуйилади. Сувнинг бир текис сарфланишини тартибга солиш учун 14 куб километр ҳажмдаги шу сув омборини қуриш лойиҳаси тузилмоқда. Сўнгра трасса жануби-шарққа бурилади, Жусали посёлкаси яқинида Сирдарё орқали ўтиб, яна жанубга бурилади ва Сирдарё билан Амударё оралиғини кесиб, Қорақалпоғистон АССРдаги Султонуиздоғ массивининг жанубий этакларида Амударёга бориб қўшилади.

Иртишнинг сўл ирмоғи Вагай лабидан то Сирдарёгача бош каналнинг жами узунлиги 1.730 километрга, Амударёгача эса чамаси 2270 километрга боради. Унинг ўртача чуқурлиги 12 метр, йилига 25 куб километр сув ўтказилган тақдирда юзасининг кенглиги 120—170 метр қилиб лойиҳалаштирилмоқда. Бош каналдан келгусида суғориш ривожлантириладиган районларга, шарққа Қозоғистоннинг Шимолий Қозоғистон, Тўрғай ва Қизил ўрда областларига ҳамда тарбга Курган, Челябинск ва Оренбург, шунингдек Қустанай областларига магистрал каналлар чиқарилади. Бош канал охирида Амударё бўйидаги Туямўйин сув омборига сув берадиган канал қуриш кўзда тутилган: бу канал қадимдан суғорилиб келаётган катта-катта ер массивлари бўлмиш бутун Хоразм воҳасини Сибирь суви билан таъминлаш имконини беради.

КПСС XXV съезди қарорларида илмий-тадқиқотлар ўтказиб, шу асосда шимолий ва Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини Ўрта Осиё, Қозоғистонга ва Волга дарёси ҳавзасига буриб юориш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Яқин вақт ичида ана шу жуда катта проблемани ҳал этишга яқиндан киришиш учун катта имконият очилмоқда.

Аммо шимол ва Сибирь дарёлари оқимининг бир қисмини олис масофага буриб юоришдан иборат ўз кўлами жиҳатидан шу қадар улкан халқ хўжалик вазифасини амалда рўёбга чиқариш учун принципиал аҳамиятга молик бўлган ва ҳали ҳал этилмаган кўпгина масалалар ўртада турганлигини назарда тутмоқ лозим. Шимол ва Сибирь дарёлари ҳавзаларининг табиий ресурсларини ва табиий шароитларини имкони борича сақлаб қолиш, келгусидаги сув омборларининг атроф табиатга таъсири ва каналларнинг табиатга кам зарар етказадиган трассаларини қидириб топиш — ана шу масалаларнинг энг муҳимларидир. Бу соҳада ўтказилган илмий тадқиқотлар план ечимларини ва тақиқлий қарорларни қабул қилиш учун мутлақо етарли эмас.

Лойиҳа чизмаларида, масалан, Каспийга ва унинг балиқ хўжалигига ёрдам бериш имкониятлари аниқ кўрсатилмаган, сувларнинг тозалигини сақлаш масалалари кўзда тутилмаган. Печора оқими бир қисмининг йўлини ўзгартиришнинг бир қанча сув омборлари қурилиши кўзда тутилган лойиҳасини янада тузукроқ ўрганиш лозим, чунки Коми АССРнинг бир неча аҳоли пункти, катта-катта ўрмонзорлар, шунингдек нефть ва газ конлари сув бостириладиган зонада қолади. Шу лойиҳага мувофиқ, Печора—Илич қўриқхонаси территориясининг бир қисми ҳам сув остида қолади.

Обь дарёси оқимининг бир қисми йўлини бериш юориш имконияти тўғрисидаги масала бу ишнинг Ғарбий Сибирь табиат комплексига, Обь лабининг муз режимига, шимолнинг иқлим характеристикасига, Ғарбий Сибирнинг ўрмон ва балиқ хўжалигини, сув транспортини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган шароитларга таъсири тўғрисидаги мўътабар таклиф ва тадқиқотларда тасдиқланган илмий концепциялар асосидагина ҳал этилиши мумкин. Зотан, бу ерда кучли Умумиттифоқ халқ хўжалиги комплекси ҳам барпо этилмоқда. Ҳолбуки, шу территорияни экологик жиҳатдан ташкил этиш проблемалари ҳозирча мутлақо етарли ўрганилган эмас. Мавжуд жуда оз илмий маълумотларга қараб, Обь оқимининг кичик бир қисмининигина жанубга оқизиш мўлжалланаётганлиги важидан, бу ишнинг ноқулай оқибатлари нисбатан оз бўлади, деб хулоса чиқариш мумкин. Аммо бу хулосани жуда жиддий равишда текшириб чиқиш керак.

Бизнинг фикримизча, мамлакат сув ресурсларини территориал жиҳатдан қайта тақсимлашдек жуда муҳим давлат аҳамиятига молик қарорни илмий асослаш учун СССР Фанлар академияси раҳбарлигида юксак обрўли илмий комитет тузилиши лозим. Унинг ишига ҳам Умумиттифоқ, ҳам республикаларнинг кўпгина илмий ташкилотлари жалб этилиши зарур. Сувни олис масофага оқизиш лойиҳаларининг табиатга таъсирини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш бу комитетнинг асосий вазифаси бўлиши керак.

Бу ўринда халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган проблемалар пайдо бўлишини таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, Орол денгизининг тақдири ташвишлантирмай қолмайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ сув манбаининг сатҳи анча қисқарди, у тез саёзлашиб бормоқда. Башарти бу жараён тўхатиб қолинмаса денгиз туби аста-секин шўрхок текисликка айланиши мумкин. Чангтўзонлар бу ерда тўпланган тузни суғориладиган экинзорларга элтиб ташлайди. Теварак-атрофдаги территориялларнинг иқлим хоссалари ҳам ўзгариши турган гап. Орол денгизини сақлаб қолиш юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар ўтказилиши ва асосланган таклифлар ишлаб чиқилиши жуда зарур бўлиб қолмоқда.

Сув ресурсларини территориал жиҳатдан қайта тақсимлаш мамлакатнинг Европа қисмидаги кўпдан-кўп кичик дарёларининг жуда катта системасига яхши таъсир қилади. Бу дарёлар халқ хўжалиги учунгина аҳамиятли бўлиб қолмасдан, шу билан бирга йирик ва майда шаҳарларнинг ишчи посёлкаларининг, қишлоқ жойларнинг аҳолиси учун катта социал аҳамиятга ҳам эга. Бир қанча областларда кичик дарёларни сақлаб қолиш ва реконструкция қилиш соҳасида кўпгина иш қилинди. Бу тажрибани анча кенг ёйса арзийди.

Сувни олис масофага оқизиш масалаларини илмий жиҳатдан асослаб лойиҳалаш билан бирга жуда яқин вақт ичида бу соҳада конкрет амалий ишлар қилинмоғи зарур. Биз ҳозирнинг ўзидаёқ СССР Европа қисмининг жанубий районларида ҳам, шунингдек Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳам сув ресурсларининг камчиллигима дуч келаётганлигимизни яна бир бор таъкидлаш керак. Ҳолбуки, Европа шимолидаги ва Сибирдаги дарёлар оқимининг бир қисмини Волга ҳавзасига, Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш иши гидротехника иншоотлари қуриш учун, жуда катта капитал маблағ, меҳнат, техника ва материал сарфлаш учун узоқ вақт талаб қилади. Бунга тайёргарлик ишларига киришиш вақти келди. Ғоят узун каналлар трассаларини ва тегишли гидротехника иншоотларини қуриш вазифасини ўз зиммасига оладиган ташкилот тузиш масаласи етилди.

Социалистик қурилиш билан ўтган 60 йил мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини гуркиратиб ривожлантириш йиллари бўлди. Сув хўжалиги соҳасида ҳам жуда катта бунёдкорлик иши қилинди. Ҳозирги вақтда сув хўжалигини янада ривожлантиришнинг янги босқичи — мамлакат сув ресурсларини регионлар ўртасида қайта тақсимлашнинг ўз режаси ва кўлами жиҳатидан улуғвор проблемаларини ҳал этиш босқичи бошланмоқда.

Н. НЕКРАСОВ,
академик.
Н. РАЗИН,
СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
(«Правда» газетасидан).

КАДРЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ ЧИНИҚИШИ

Партия ва комсомол ўқуви ҳамда иқтисодий таълим системасида машғулотлар тугади.

Тошкент шаҳар партия комитетида ЎзТАГ мухбирига маълум қилишларича, бу ўқув йилида республика пойтахтида партия ўқуви системасида 166 мингдан зиёд коммунист ва партиясиз активни бирлаштирган беш мингдан кўпроқ мактаб ва семинар ишлади. Ўқиш даврида КПСС XXV съезди материалларини, СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясини, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган юбилей тантанали мажлиси ҳужжатларини чуқур ўрганишга катта эътибор берилди. Бир қанча машғулотлар ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районларига қилган сафари вақтида ва БЛКСМ XVIII съездида сўзлаган нутқларига, Леонид Ильич Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларига бағишланди.

Қарийб тўрт ярим минг киши, асосан партия ва хўжалик активлари ўз сиёсий билимларини марксизм-ленинизм кечки университетида ва унинг филиалларида оширдилар.

Ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлардан 180 минг киши иқтисодий таълим системасидаги мактабларда ва семинарларда ўқиди. Бу мактаблар ва семинарларнинг программасига янги курслар, шу жумладан, маҳсулот сифатини комплекс бошқариш, бригада пудрати, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш тажрибасини ўрганиш сингари курслар киритилди.

Ўтган ўқув йилида партия ташкилотлари пропагандистларнинг маҳоратини ошириш соҳасида кўп иш қилдилар. Пропагандистлардан тўрт мингдан кўпроқ киши ўз ишини шахсий ижодий планлар асосида ташкил қилиб, машғулотларни назарияни коммунистик қурилиш практикаси билан, партия XXV съезди қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш учун кураш билан маҳкам боғлаб олиб борди. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Средазкабель» бирлашмасида ва бир қанча бошқа меҳнат коллективларида пропагандистлар ўқиш сифатини оширишнинг рефератлар ёзиш ва уларни коллектив бўлиб муҳокама қилиш сингари самарали методларидан кенг фойдаландилар. Кўплаб назарий конференциялар ўтказилди. Бу конференциялар ўқиш жараёнида олинган билимларни мустаҳкамлашга ва чуқурлаштиришга ёрдам берди.

Якунловчи машғулотлар мактаблар ва сиёсий семинарлар тингловчиларининг асосий кўпчилиги ўқув программаси талабларини муваффақиятли бажарганлигини кўрсатди.

[ЎзТАГ].

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё область Советининг сессияси бўлди. Сессияда КПСС XXV съезди қарорлари асосида Мирзачўл халқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада яхшилаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Область ижроия комитетининг раиси И. У. Қўчқоров доклад қилди.

[ЎзТАГ].

ҚИЗИҚАРЛИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати ва партия комитети ғоявий-сиёсий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш йўлларини ёркин кўрсатиб берадиган муҳим амалий қўлланма — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарлари юзасидан кенг тадбирлар белгилади.

Яқинда институт ижтимоий фанлар кафедралари советида институт ректори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ. Т. Турсунов, индустриал-педагогика факультети партия йиғилишида тарих фанлари доктори, профессор С. Ҳ. Носирхўжаев бу асарлар юзасидан доклад қилдилар.

Бундан ташқари ўртоқ Л. И. Брежнев асарларига бўлган ғоят катта қизиқишни, айниқса унинг эсдаликларида илгари сурилган фикрларни ҳозирги шароитда партиявий-сиёсий ишларни янада такомиллаштиришдаги, меҳнаткашларни партия ва халқнинг революцион жанговар ҳамда меҳнат шон-шуҳрати анъаналари руҳида тарбиялашдаги жуда катта аҳамиятини ҳисобга олиб, институтда илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда профессорлардан З. Нуриддинов, А. Йўлдошев, доцент К. Юсупов ва институтнинг бошқа олимлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг хотиралари ва ривожланган социализм шароитида КПСС ролининг ортиб бориши масалалари тўғрисида, Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» асарларининг сиёсий-тарбиявий аҳамияти тўғрисида, «Тикланиш» асарида социалистик ишлаб чиқаришнинг иқтисодий проблемалари тўғрисида ва бошқа мавзуларда докладлар қилдилар. Конференция охирида Улуғ Ватан уруши қатнашчиларидан бир группаси ўзларининг эсдаликларини мароқ билан сўзлаб беришди.

Бундай тадбирлар ёшларнинг ғоявий-сиёсий тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

А. РАҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

СОВЕТ—ДАНИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

15 июнда Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва расмий визит билан СССРга келган Дания ташқи ишлар министри К. Б. Андерсен ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Амалий дўстона вазиятда ўтган музокаралар вақтида Совет — Дания муносабатларининг аҳволи ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида фикрлашиб олинди СССР билан Дания ўртасида кейинги йиллар мобайнида яхши қўшничилик алоқалари турли соҳаларда самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам берганлиги қайд қилинди, ҳар икки томоннинг иккала мамлакат ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлини давом эттиришга интилиши таъкидлаб ўтилди.

Муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилган вақтда яппи тинчликни ва халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхатиш ва қуролсизланиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

(ТАСС).

ДЕҲҚОН МЕҲРИ ДАЛАДА

Сўз—тажрибакор деҳқонларга

ҲАМРОҚУЛ ТУРСУНҚУЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕРДАН ПАХТА ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ УЧУН КУРАШИ ТАЖРИБАСИДАН

Табиат ўжарликлари ҳақида кўп гапирилди. Бу бежиз эмас. Офатлар туфайли кахтакорларгина эмас, галлакорлар, хусусан маккажўхорикорлар, сабзавотчилар, боғбон-соҳибкорлар ҳам анча ташвишга тушдилар. Тажрибакор деҳқонларнинг сўзларига караганда кейинги қирқ йил ичида бундай машаққатлар юз бермаган эди.

Энди ахвол ўзгарди, ҳаво кун сайин исиб, ҳарорат кўтарилянти. Ғўзаларимизнинг ўсиш, ривожланиши ўтган йилдагидан 15-20 кун орқада қоляпти. Лекин афсусланиб ўтиришга вақт йўқ. Куч, техника, ўғит, сув бор. Демак, астойдил ҳаракат қилсак, офат оқибатларини тугатишимиз мумкин ва лозим.

Колхозимиз пахтакорлари 1.350 гектар майдонда ғўза ўстирмоқдалар.

Колхозимиз бўйича гектаридан 40 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Буни ҳам яхши тушунамиз. Ёғин-сочинли кунларда айрим нуқсонларга йўл қўйилди, уни бартараф этишимиз лозим. Асосий вазифа ғўза парваришида сифатга эътиборни сира сусайтирмаган ҳолда бир кунда камида бир ярим-икки кунлик график миқдорида иш бажарилишини таъминлашдан, июнь ойи охиригача ғўзаларни ёппасига гуллатиб, қўсаклашга киритишдан иборат.

Ёғингарчиликлар тўхтаб, ер етилиши билан ҳамма майдонларда қаткалоқ юмшатилди, айрим пайкалларда бу иш такрор ўтказилди. Дарахтларнинг ости, йўлларнинг четлари суғориш иншоотларининг қирғоқлари ҳам эътибордан четда қолдирилмади. Ҳар қатордаги ҳар туп ғўза ниҳоли учун кураш кетди.

Колхозимиз 1.500 тонна уруғлик пахта тайёрлайди. Уруғлик участкалари, айниқса, назорат остига олинди. Тажрибали механизаторлар шу участкаларга ишга қўйилди, ўғит, сув вақтида етказиб берилди. Шуни айтиш керакки, ҳар гектар майдонда 100-110 минг туп кўчатга эга бўлдик. Ўтган йиллардагидан анча кўп. Эндиги вазифа уни тўла саклаб қолиш, тезроқ ўсиб, ривожланишини таъминлашдан иборат.

Биз культивацияга катта аҳамият беряпмиз. Ҳамма чопиқ тракторларининг культиваторларини қайта кўздан кечириб чиқдик, ҳар бирининг ишчи органини 35—40 тагача кўпайтирдик. Механизаторларимиз зиммасига қатор ораларини иложи борича кенгроқ қамраб олиб, чуқурроқ юмшатиш вазифасини юкладик. Ишда талабчанлик, масъулиятни оширдик. Яхши ишлаётганларни рағбатлантиряпмиз, ишни сифатли бажармаган айрим кишиларни қаттиқ тартибга чақиряпмиз. Бу йилги шароитда ҳосил тақдирини агротехника қоидалари асосида ўтказилган парвариш ҳал қилади. Культивацияни чуқур ўтказиб, қатор ораларини илдизларга етар даражагача юмшатавериш керак. Шунда тупроқ қуйи қатламигача майинлашади, ўсимлик соғлом ўсиб, серҳосил бўлади.

Бу йилги шароитда қурғоқ культивация ўтказишни бутун чоралар билан кучайтиришимиз керак. Суғоришдан кейин ер етилиши билан культивация қилинади. Биз шундан кейин ҳам икки-уч марта культивация ўтказяпмиз, сўнггисида эса қатор ораларига жўяк очяпмиз. Бунинг фойдаси жуда катта бўляпти. ёғингарчиликлар туфайли пайдо бўлган кераксиз зах кўтариляпти, оқ сув тупроқ қатламига яхши сингиб, ўсимликка наф келтиряпти. Қатор оралари нечоғли майин ҳолда сакланса, ғўзалар шунча дуркин ўсади. Шу йўл билан ўтган йилдагига нисбатан бўлган узилишни кескин қисқартириш мумкин.

Биринчи озиқантиришни тугаллаб, иккинчисини меъёрига етказай деб қолдик. Июнь ойи охиригача йиллик ўғит нормасини ерга солиб бўламиз. Гўнгни майдалаб, махсус мосламалар ёрдамида қатор ораларига соляпмиз. Паррандачилик фабрикасидан бир минг тоннадан кўпроқ органик ўғит ташиб келдик. Колхозчиларнинг молхона, қўйхона, паррандахоналаридан ҳам кўплаб ўғитлар чиқарилди. Фермалардаги органик ўғитлар хандақларда чиритилмоқда, ундан «шарбат» усулида фойдаланамиз. Ҳисоб-китобларга қараганда бу йил ҳар гектар ер ҳисобига ўтган йилдагидан тенгма-тенг кўп органик ўғитлар чиқарамиз.

Ғўзаларни суғоришда бошқачароқ тартиб ўрнатдик. Ҳозир биринчи суғориш тугалланди, иккинчиси кетяпти. Вазиятни ҳисобга олиб, ғўзаларни кам нормада суғоряпмиз. Илгари эгатларга марзалар қорайгунча сув тарар эдик. Ҳозир тупроқ буни кўтара олмаяпти. Сув оз нормада жилдиратиб оқизилса, қатор ораларига солинган ўғитлар илдиз системасига тез етиб боради, тупроқ ортиқча намланмайди, ҳарорат пасаймайди. Хуллас, ҳаво алмашуви яхшиланади. Бу ўсимлик учун энг зарурдир.

Бегона ўтларни тўла йўқотмай туриб, ғўзаларни серамал қилиш қийин. Юқорида айтилганидек, биз бегона ўтларни ўн кунда тўла тугатдик. Кекса, ёш, ўсмир — ҳамма далага чиқди, кўлидан келган ёрдамини берди. Ҳозир пайкалларимиз тоза. Лекин ҳушёр туришимиз, бегона ўтларнинг қайта кўкариб чиқишига йўл қўймаслигимиз керак.

Бегона ўтлар йўқотилиши туфайли ҳашаротлар ҳам барҳам еди. Зараркунандалар пайдо бўлгани аниқланса дарҳол махсус агрегатлар ишга солиниб, дори сепилади ва жойида қириб ташланади.

Ҳосил деҳқон меҳнати билан бунёдга келтирилишини тушунамиз. Ҳамма бригадаларда ҳосилдорликни кескин кўтариб, синовдан муваффақиятли ўтамиз. Соғинбой Эсонбоев бошлик бригада аъзолари бултур гектаридан 47 центнердан пахта хирмони кўтарган эди, бу йил 55 центнерлик маррани нишонга олди. Еқуббой Сарибоев бригадаси бир йилда ҳосилдорликни 6 центнер кўтариш учун кураш бошлади. Бободеҳқон Мамат Камолов бригадаси 87 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олди. Абдубанноп Алимбеков бригадаси аъзоларининг ҳиммати ҳам баланд.

Бу мисолларни тилга олишдан мақсад шуки, колхозимизда 40 центнерлик ҳосил учун дастлабки замин яратилди, гектарлар тўла, кўчатлар сони бут, табиий офат оқибатлари тезкорлик билан тугатилянти.

Шу кунларда ғўзаларни кеча-кундуз зўр бериб суғораверишк керак. Лекин ўсимликни қўллатиб суғориш ёки чўллатиб қўйишга йўл қўймаслик зарур. Биз бир сувчи учун ер шароитини хисобга олиб 1-1,5 гектар норма белгиладик. Ҳаким Хомиталиев, Муҳаммаджон Очилов, Саҳи Марасулов, Бўрибой Бидасов каби ўнлаб илғор сувчиларимиз нормаларини сифатли бажармоқдалар. Сув сероб, лекин ундан оқилона фойдаланилмаса кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шуни сира унутмаслигимиз, ҳар қатра сув учун кураш олиб боришимиз керак.

Колхозчиларимиз астойдил меҳнат қилишяпти. Аммо дала ишларида қатнашмаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Айрим кишилар интизомсизлик қиляпти, топшириқни бажармаяпти. Бугун ана шундай кўринишларга қаттиқ барҳам беришимиз керак. Ҳаммамнинг ўрни далада бўлмоғи, ҳамма ва ҳар бир киши ғўза парваришини кўчайтиришга ўзининг ҳиссасини қўшмоғи керак. Чунки пахта умумхалқ меҳнати билан бунёдга келтириладиган давлат бойлиги, юрт кўркидир. Меҳнат аҳлининг унумли ишлаши учун қулай шароитлар яратиб бериш хўжалик раҳбарларининг бурчидир.

Колхозимиз аъзолари 40 центнерлик ҳосил маррасига етиш учун янада зўр ғайрат билан меҳнат қилаверадилар.

Ўсарбой ЖУРАЕВ,
Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси.

Сурхондарё области. Гагарин районидаги «Искра» совхозида 2.374 гектар шолизор мавжуд. Шоликорлар ҳар гектар ердан 70 центнердан дурдона етиштириш учун курашмоқдалар. Бу топшириқдагидан гектар ҳисобига 29 центнер кўп. Улар ваъдага вафо этиш учун шоли майсаларини меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Куни кеча шолипоялар узра граждан авиациясининг самолётлари парвоз қилди. «Қанотли дўстлар» экин майдонларига бегона ўтларга қарши гербицидлар сепмоқдалар. Суратда: экипаж командири Б. Коротеев агроном П. Худоёров билан учиш олдидан маслаҳатлашяпти.



И. Хўжаев фотоси. (ЎзТАГ).

СПОРТ

САМБО:

БЕШ СОВРИНДОР

Тошкентдаги «Юбилей» марказий спорт залида бир неча кундан бери курашчилар СССР чемпиони номи учун қизғин беллашмоқдалар. Мухлислар дастлабки беш вазн бўйича Совет Иттифоқи чемпионларининг ғолиблик супасига кўтарилганлигининг шоҳиди бўлишди. Жумладан владивостоклик динамочи М. Халилулин 48 килограмм вазнли полвонлар орасида ғолиб келиб, кўксига олтин медаль таққан бўлса, новосибирсклик В. Белов 52 килограмм вазнли самбочилар сафида ғолиб бўлди. Ангарсклик Ҳ. Гареев (57 килограмм), одессалик Б. Касап (62 килограмм) ҳамда «Урожай» спорт жамияти вакили А. Хапайлар (68 килограмм) мамлакат чемпиони номига сазовор бўлдилар.

Республикамиз самбочилари орасида қозирча биргина совриндор аниқланди. Бу 20 ёшли бухоролик Комил Юсуповдир. Комил бу сафар ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилиб, чемпионатнинг кумуш медали совриндори бўлди.

— Комил Юсупов Ўзбекистон терма командасининг умидли самбочиси — дейди СССР спорт комитетининг катта тренери В. Волков. — Агар у машқларга янада зўр бериб, ўзининг тактик ва психологик тайёргарлигини тобига етказса, келажакда мухлисларни мамнун этиши табиий.

Кеча, яна беш вазн бўйича чемпионлар номи аниқланди. Олтин медаль учун курашда ўзбекистонлик самбочилардан Владимир Сабодирев, Сосо Гогнадзе, Александр Долженко, Ғаффор Остонаев ва Турсун Бадаловлар астойдил курашмоқдалар. Ўйлаймизки, республикамиз вакиллари орасидан ҳам кўксиларига олтин медаль таққан самбочилар ғолиблик супасига кўтарилдилар.

БОКС:

АЛИ — ТОШКЕНТДА

Машҳур чарм қўлқоп устаси, профессионал боксчи, жаҳоннинг икки марта чемпиони Муҳаммад Али республикамиз пойтахтида меҳмон бўлиб турибди. Таниқли боксчини Тошкент аэропортида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев қаршилади.

— Жаҳоннинг юз элликдан кўпроқ мамлакатларида бўлишга тўғри келган, — дейди Муҳаммад Али. — Лекин, республикангиз пойтахтининг ажойиб фазилати бор экан. У ҳам бўлса, кўп миллатли аҳоли истиқомат қиладиган бу кўркам шаҳарда меҳмондўстлик ўрнига қўйиларкан...

Муҳаммад Али Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишмоқда. У, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлди. Республика спорт комитетида кабул қилинди. Али Тошкенддаги спорт базалари ва мусобақаларини ҳам томоша қилади.

Суратда: (чапдан) тошкентлик жаҳон чемпиони Р. Рисқиев ва Муҳаммад Али рафиқаси Вероника билан.

В. Молгачёв фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ КЕНГ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессиясида киритилган совет таклифлари бутун дунёда тобора кенг қўламда қўллаб-қувватланмоқда. Халқаро жамоатчилик Совет Иттифоқининг тинчлик йўлидаги ташаббусларига қуролсизланишнинг, инсониятни қурол-яроғларнинг тоғдек юкидан ва уруш хавфидан ҳалос қилишнинг тўла-тўкис ва конкрет программаси деб баҳо бермоқда.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия ташқи ишлар министри Фелекс Гедле-Гиоргис қуйидагиларни айтди: социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар қуролсизланиш юзасидан конкрет таклифлар қабул қилиниши учун қатъият билан курашмоқдалар. Ваҳолонки, империалистик давлатлар ва реакцион режимлар пропаганда мақсадларини кўзлаб, қуролсизланишга қуруқ даъватлар билан ниқобланиб олиб, аслида эса барча воситалар билан ўзининг ҳарбий потенциалини кучайтирмоқдалар.

ДЕҲЛИ. «Жанг юг» газетаси қуйидагиларни ўқтиради: ҳақиқатан ҳам қуролланиш пойгасини жиловлашга интилаётган жаҳондаги бирорта ҳам давлат совет таклифларига қарши чиқиши мумкин эмас. Совет таклифлари ёппасига қуролсизланиш учун фундаментал негиз яратади.

Ҳиндистон жамоатчилиги, деб таъкидлайди «Жанг юг» газетаси, НАТО кенгашининг ҳарбий мақсадларга ажратиладиган йиллик маблағларни кўпайтириш тўғрисидаги қарорини қаҳр-ғазаб билан қоралайди. НАТОнинг ҳарбий тайёргарликларига қарши, барча тинчликсевар кучларни жипслаштириш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун кураш бутун тараққийпарвар инсониятнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси бўлиб қолмоқда, деб ўқтиради «Жанг юг» газетаси. Жаҳон халқлари БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган махсус сессияси совет таклифларини қабул қилади, деб кутмоқдалар, чунки бу таклифлар бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик иши учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

ХЕЛЬСИНКИ. Инсоният олдида қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ, дейилади Финляндия чиқадиган «Сойхту» журналида эълон қилинган «Қуролсизланиш проблемалари» сарлавҳали мақолада.

Қуролланиш пойгасини батамом тўхтатиш, янада қуролсизланиш учун курашнинг конкрет программаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этиб берилди. Бу программани ҳарбий қитъалардаги яхши ниятли кишилар қизғин маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар. Бу программа Финляндияда ҳам кенг қўламда қўллаб-қувватланди, чунки у ҳозирги куннинг талабларига тамомила мосдир.

(ТАСС).

«АЖОЙИБ МАМЛАКАТ»

Ишчилар, тараққийпарвар зиёлилар, демократик жамоатчилик ва жаҳондаги мазлум халқлар улуғ социалистик мамлакат — Совет Иттифоқи билан фахрланадилар, деб таъкидлайди машҳур Покистон журналисти ва жамоат арбоби Абдулла Малик ўзининг «Ажойиб мамлакат» деган китобига ёзилган сўз бошида. Китоб Исломободда кўп нусхада нашр этилди.

Автор қуйидагиларни ёзади: бизнинг муҳим проблемаларимизни ҳал этиш учун социалистик давлатларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш зарурлигини Покистон халқига кўрсатиб бериши мен ўз олдимга асосий мақсад қилиб қўйган эдим. Ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари социалистик давлатларнинг ҳаёти тўғрисидаги ҳақиқатни билиб олишлари лозим.

А. Малик Совет Иттифоқида бир неча марта бўлган. Унинг китоби СССР тўғрисидаги очерклар туркумидан биринчисидир. Автор бу китобда совет кишиларининг турмуши ҳақида қисқа қиладди, Совет Иттифоқининг давлат тузилиши тўғрисида, инсоннинг чинакам ҳуқуқлари таъминланганлиги ҳақида гапиради. Совет Иттифоқининг янги Конституциясига, шунингдек Советлар мамлакатининг тинчликсевар ташқи сиёсатига алоҳида ўрин ажратилган.

Менинг иккинчи китобим, дейди журналист, совет Ўрта Осиё республикаларига, учинчиси эса Совет—Покистон муносабатларига бағишланади.

(ТАСС).

ИМПЕРИАЛИЗМ ГУМАШТАЛАРИ

Ҳиндистон Коммунистик партияси миллий кенгашининг органи — «Парти лайф» назарий журналининг кейинги сонида эълон қилинган мақолада қуйидагилар айтилади:

Маочилар марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларидан батамом юз ўгириб, ошкора антисоветизм ва антикоммунизм йўлига ўтиб олдилар. Ҳозирги кунда улар АҚШ ҳамда унинг Ғарбдаги иттифоқчилари Хинд океани ва Тинч океанда ҳарбий кучларини сақлаб туришларини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилиб чиқмоқдалар.

Ҳинди-Хитой халқлари Америка империализми устидан ғалаба қозонганларидан кейин планетадаги тинчликсевар кучлар ва аввало Жанубий ҳамда Жануби-Шарқий Осиё халқлари бу нотинч районда узоқ муддатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилади, деб умид қилган эдилар. Осиё халқлари империалистик ҳарбий базаларнинг тугатилишини, барча территориялардан ажнабий қўшинлар олиб чиқиб кетилишини қатъий талаб қилдилар.

Бироқ Америка реакцияси ва маҳаллий реакция ўзларининг машъум режаларидан воз кечмадилар ва тинчлик ҳамда хавфсизликка қарши, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда ҳукмронликни сақлаб қолиш учун, миллий озодлик ҳаракатига қарши янги фитналар тўрини тўқий бошладилар. Шу муносабат билан ҳозирги Пекин раҳбарларининг жаҳон реакцияси билан янада яқинлашиш йўлидаги сиёсати алоҳида қизиқишга сазовордир. Хитой раҳбарлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатига хиёнат қилиш йўлига ўтдилар, дейилади мақолада.

Ҳинд океани ва Тинч океандаги Америка ҳарбий базаларини тугатиш Осиёдаги тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг ҳаётий муҳим шартидир, деб таъкидлайди автор. АҚШ СЕАТО агрессив ҳарбий блоки барбод бўлгандан кейин ўз режаларини ўзи илгари сурган «Янги Тинч океани доктринаси»га мувофиқ қайта туза бошлади. АСЕАНни агрессив ҳарбий иттифоққа айлантиришга, АНЗЮС ҳарбий блокини мустаҳкамлашга интилмоқда. Ҳинд океани соҳилидаги давлатларнинг норозиликларига қарамай, АҚШ ўзининг ҳарбий базаларини, шу жумладан Ҳиндистон соҳилига бевосита якин бўлган Диего-Гарсия оролидаги базани модернизациялашни давом эттирмоқда.

Пекин ташқи сиёсатининг мунофиқона сиёсат эканлигини кишини ҳайратда қолдиради, деб ўқтирилади мақолада. Бундан бир неча йил муқаддамгина, Хитой Японияннинг милитарлаштирилишига, унинг территориясида Америка қўшинлари ва ҳарбий базалари жойлаштирилишига қарши чиқаётган эди. Ҳозир эса маочилар худди ўша базаларнинг сақлаб қолиниши ва империалистик ҳарбий иттифоқларнинг мустаҳкамланишини ёқлаб чиқмоқдалар. Хитой Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда гегемонликка интилаётганлиги туфайли ана шундай бўлмоқда. Хитой «СССР билан уруш муқаррар» деган телба ғояни кишининг жиғига тегадиган даражада такрорлаб, совет томонининг муносабатларни нормаллаштириш йўлидаги барча ташаббусларини ҳар хил разил баҳоналар билан рад этиб, Ғарбдан замонавий қурол-яроғларни тобора кўпроқ сотиб олмоқда, НАТОга аъзо бўлган мамлакатларга тилёғламалик қилмоқда, Ғарбнинг энг ашаддий реакцион режимлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетмоқда.

(ТАСС).

БИРЛИК БЕЛГИСИ ОСТИДА

Балтика денгизи мамлакатлари, Норвегия ва Исландия XXI ишчи конференциясининг делегатлари тинчлик, куролсизланиш ва социал тараққиёт учун курашда касаба союзларининг ҳамкорлигини активлаштиришга даъват қилдилар. Маҳаллий комитетлар ва миллий касаба союз марказларининг вакиллари якунловчи баёнотда ўз ҳоҳиш-истакларини изҳор этдилар. Конференция 15 июнь куни Ленинградда ўз ишини тамомлади. Унинг якунловчи мажлисида шу баёнот қабул қилинди.

Конференция қатнашчилари Совет Иттифоқининг тинчлик ташаббуслари конструктив тусда эканлигини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг бу борадаги изчил фаолиятини яқдиллик билан таъкидладилар. Улар Финляндия президенти У. К. Кекконеннинг Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш тўғрисидаги

АХБОРОТ

ҲАЕТГА ИЎЛЛАНМА

Яқинда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида институтни битирувчилар билан анъанавий учрашув бўлиб ўтди. Бунда партия ва совет ходимлари, донгдор механизаторлар, институтнинг профессор-ўқитувчилари, 300 дан ортиқ студент иштирок этди. Кечада институт ректори профессор Э. Т. Шайхов институтни 1977—1978 йиллари тугатган 567 нафар йигит-қизга қарата табрик нутқи сўзлади ва уларнинг келажак ишларида катта муваффақиятлар тилади.

Кеча сўнгида машҳур механизатор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова институтни имтиёзли диплом билан тугатган 52 студентга кўкрак нишони, машина, трактор ҳайдаш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома ва чўғдек қип-қизил дипломларни тантанали суратда топширди ва уларга яхши истаклар билдирди.

П. НАЗАРОВ.

САНЪАТКОРЛАР МЕҲНАТКАШЛАР ҲУЗУРИДА

Алишер Навоий номли ўзбек Давлат академик катта театрининг бир группа артистлари Наманган области пахтакорлари, сабзавотчилари ва чорвадорлари ҳузурида маданий хизмат кўрсатишмоқда.

Театр артистлари Чуст районидаги Калинин номли, Ленин номли, Энгельс номли, «Чуст», «1 Май» колхозларида катта программада концерт бердилар. СССР халқ артисти Ҳалима Носирова, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Жамол Низомхўжаев, Эргаш Йўлдошев, Клара Юсупова, Михаил Давидовлар томонидан ижро этилган классик ва замонавий қўшиқлар, рақс ва ариялар меҳнаткашларга манзур бўлди.

Санъаткорлар областнинг Янгиқўрғон, Поп, Косонсой, Тўрақўрғон районларида ҳам катта программада концерт бердилар.

Қ. МАЛИКОВ.

СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Термиз районидаги 28-ўрта мактабни бундан 10 йил илгари битирган ўқувчилар шу мактабда ўз маблағларига улуғ рус педагоги К. Д. Ушинскийга ҳайкал ўрнатдилар. Буюк педагог номи билан аталувчи мактабда ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шунингдек Шўрчи районидаги М. Горький номли ўрта мактабда ҳам шу мактабнинг собиқ ўқувчилари ўз маблағларига буюк пролетар ёзувчиси М. Горькийга бюст ўрнатдилар. Едгорликни Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани Малқашукур Усмонов очди. Тантанали маросимда районнинг партия ва совет ходимлари қатнашдилар.

К. НОРМАТОВ,
Т. ҒАМИНОВ.

1981 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Бир беш йиллиқдан икки беш йиллик планни бажаришга аҳд қилган Қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли Тошлоқдаги 6-автокорхона шофёри коммунист Тожиаҳмад Тоиров дастлабки меҳнат ғалабаларини қўлга киритди. У икки йилу тўрт ой мобайнида 470,5 минг тонна юк ташиб берди. Бу ўнинчи беш йиллик планида кўзда тутилганидан анча ортиқдир.

Моҳир шофёр бу ютуқларга техника қаровини яхшилаш, иш вақтидан ҳамда автоприцепдан унумли фойдаланиш туфайли эришди.

Илғор шофёр Т. Тоиров иҳдошлари бўлган Ўктамжон Аскаров, Сервер Сулеймановлар ҳам юқори меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар.

С. ҚОДИРОВ.



Суратларда: 1. Химиклар шаҳри Навоий. «Фарҳод» маданият саройи олдидаги декоратив скульптура. У Ўрта Осиёдаги энг катта дарёнинг рамзий кўриниши. 2. Фарҳод скульптураси. 3. Шаҳар марказидаги уй-жой бинолари.

В. Таран фотолари.

ВИЗИТ ТУГАДИ

ЛЕНИНГРАД, 16 июнь. (ТАСС мухбири). Швеция қироли Карл XVI Густав ва королича Сильвия расмий визитни тугаллаб, кеча Совет Иттифоқидан жўнаб кетдилар.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

19—25 ИЮНЬ

19 ИЮНЬ
ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Телевизион спектакль. 11.00 — Мўъжизасиз-мўъжизавлар. 12.00 — «Ла Скала» театрининг 200 йиллигига. 14.40 — Эрих Мария Ремарк туғилган кунинг 80 йиллигига. 15.30 — Онамларнинг мактаби. 16.00 — Комсомол шон-шуҳрати йўлларидан. 16.45 — Спорт программаси. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги. 19.15 — Учинчи йил — зарбдор йил. 20.00 — Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Аргентина — Бразилия командалари. 21.30 — Вақт. 22.00 — Алкоголизм зарари ҳақида ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Фильм-концерт. 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Мультфильм. 18.25 — Старшеклассник. 18.55 — Ҳалқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — «Ҳайтарма» татар ансамблининг концерти. 21.30 — Москва. 22.00 — Ғалла — ризқи рўзимиз. 22.15 — Қалдиргочлар баҳорда учиб келади (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Бахтли киши (бадиий фильм). 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Галина Караева куйлайди. 20.45 — Меҳнат кишиси ҳақида ғамхўрлик. 21.15 — Ўқув программаси.

20 ИЮНЬ
СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Орлёнок». 10.25 — П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги. 10.55 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.55 — Халқаро конкурслар лауреати С. Лейферкус куйлайди. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Халқ оҳанглари. 16.15 — О. Гончар ижоди. 16.45 — Менинг биринчи ўқитувчим. 17.15 — Горнчилар, қаердасиз! 17.45 — «Правда» газетасининг совғини учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Концерт-вальс. 19.10 — Қишлоқ: ишлар ва муаммолар. 20.00 — Менинг кулгили бахтим. Фильм-спектакль. 21.30 — Вақт. 22.00 — Тожик совет ёзувчиси С. Айний туғилган кунинг юз йиллигига бағишланган тантанали кеча. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Мактанчоқ мушук саргузаштлари (қўғирчоқ фильм). 11.45 — Телевизион театр. 18.00 — ВЛКСМ 60 йиллигига. 18.30 — «Сельская жизнь». 18.45 — Севимли газетамиз. «Совет Ўзбекистони» газетасининг 60 йиллигига. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Мерос. Ҳужжатли фильм. 19.50 — Нафосат оламида. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш ижрочилар концерти. 21.30 — Вақт. 22.00 — Ҳам пахта, ҳам гўшт. 22.15 — Қалб кечирмайди (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — У ёлғиз эмас эди (бадиий фильм). 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Химия. 21.05 — Нева автомобили — ҳужжатли фильм. 21.15 — Математика.

21 ИЮНЬ
ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — П. И. Чайковский. «Болалик альбоми». 1-қисм. 10.25 — Менинг кулгили бахтим (фильм спектакль). 11.55 — Шаҳар куйлари. 15.00 — Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб (кино программа). 16.15 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.45 — Шахмат мактаби. 17.15 Концерт. 17.45 — Китоб сенинг ҳаётингда. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жаҳон ҳалқларининг ижоди. 19.15 — 9-студия. 20.05 — Ленин комсомолининг 60 йиллигига. 21.30 — Вақт. 22.00 — Бутун Россия конкурси лауреати В. Кривانов куйлайди. 22.35 — Спортлото. 22.45 — Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Голландия — Италия терма командалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Ҳўрозча ва кунгабоқар. 18.30 — Қорақалпоқ чўлининг қаҳрамонлари. 18.45 — Халқ контроли экрани. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Бола бошидан. 20.05 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Вақт. 22.00 — Ноз-неъмат бунёдкори. 22.15 — Ҳур қизлар (бадиий фильм. 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Биология. 19.30 — Болалар учун фильм. 19.40 — Она шаҳрим, Тошкентим. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 — Галина Ковалёва куйлайди (фильм-концерт). 20.50 — Даврлар йўқламаси. 21.20 — Математика.

22 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Болалик альбоми, 2-қисм. 10.25 — Бизнинг шаҳарлик йигит (бадиий фильм). 11.50 — Фильм-концерт. 14.55 — Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 — Фан оламида. 16.15 — «Орлёнок». 17.00 — Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Бразилия — Польша терма командалари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жасорат. 19.15 — 1978 йил қўшиқлари. 20.00 — Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Перу — Аргентина терма командалари. 21.30 — Вақт. 22.00 — Ҳужжатли экран. 23.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Сеҳрли гиёҳ. (Қўғирчоқ фильм. 1-қисми). 11.35 — Концерт. 12.00 — Иншони қандай ёзиш керак. 12.30 — Қизлар давраси. 13.30 — Ижод саҳифалари. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Ҳаёт каби тирик. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Мангу олов — ҳужжатли фильм. 19.40 — Учрашув (телевизион театр). 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.20—Ҳужжатли фильм. 21.30 — Вақт. 22.00 — Чорвадор. 22.15 — Ҳур қизлар (бадиий фильм, 2-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Диалектика қонунлари. 19.30 — Болалар чизган расм. 19.45 — Тошкент телепрограммаси. 20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз. 20.55 — Кўрфазнинг нариги томонида (ҳужжатли фильм).

23 ИЮНЬ
Ж У М А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Спорт класси. 10.40 — Қишлоқ ўқитувчиси (бадиий фильм). 12.20 — Театр ҳақида ҳикоялар. 15.00 — Сенинг номинг комсомол. 15.50 — Концерт. 16.20 — Москва ва москваликлар. 16.50 — Рассомлар «Кичик ерда». 17.00 Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 17.45 — Самбо бўйича СССР чемпионати. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — РСДРП II съездининг 75 йиллигига. 19.05 — П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс кундалиги. 19.50 — Ўйинчилар (телевизион спектакль). 21.30 — Вақт. 22.00 — «Оқ йўл». 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — Сеҳрли гиёҳ (қўғирчоқ фильм. 2-қисм). 11.30 — Мактаб ўқувчилари учун «Санъат гунчалари». 12.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 12.30 — Телевизион театр. 17.45 — Ёшлик. 18.15 — «Наука» программаси. 18.45 — Биз қишлоқда яшаймиз. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ёш овозлар. 21.30 Вақт. 22.00 — Ғалла — ризқи-рўзимиз. 22.15 — Шайтон малайлари. 23.35 — Ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларининг волейбол бўйича Бутуниттифоқ спартакиадаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Ўрмон қиссаси (бадиий фильм). 20.15 — Янгиликлар. 20.35 — Ҳаётда топган ўрни (ҳужжатли фильм). 20.50 — Шаҳзода ва Золушка (фильм-концерт).

24 ИЮНЬ
Ш А Н Б А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.25 — Тонгги почта. 10.55 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.25 — «Довюрак Витяз Фэм-Фрумос ҳақида қисса» (бадиий фильм, 1-серия). 12.30 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 13.00 Сиз бунга қодирсиз. Ёш ихтирочилар конкурси. 14.10 — Концерт. 15.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 15.30 — Спортлото. 15.40 — Здоровье. 16.25 — Сен билан бирга комсомол. 16.45 — Ҳайвонот оламида. 17.45 — Инсон. Ер. Коинот. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.15 — Олтин мина (бадиий фильм, 1 ва 2-серициялар). 21.30 — Вақт. 22.00 — Останкино концерт студиясида Иракли Абашидзе поэзияси кечаси. 23.55 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Шеърият мухлисларига. 10.20 — Концерт. 11.00 — Онамларнинг мактаби. 11.30 — Светофор. 12.30 — Яна бир бор газ ҳақида. 12.45 — Илҳом. 13.25 — Кинокўзгудаги ҳаёт. 14.25 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 14.55 — Ўзбекистон спорти. 17.35 — Ҳўрпайган чумчуқ. 17.50 — «До-ре-ми-фа-соль» ўқув кўрсатуви. 18.25—Ёшлик. 18.55 — Биз ватанпарвар интернационалистлармиз. Ҳужжатли фильм. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Ёшлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.00 — Ғўза парваришига алоҳида эътибор берайлик. 22.15 — Шайтон малайлари жинлар тегирмонида (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.45 — Душанба кўрсатувлари.

25 ИЮНЬ
ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 —Довюрак витязь Фэт-Фрумос ҳақида қисса (бадиий фильм, 2-серия). 12.45 — Жаҳон ёшлари XI фестивали олдидан. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 Футбол бўйича жаҳон чемпионати, 3-ўрин учун матч. 16.00 — Ҳалқаро панорама. 16.30 — Мультфильмлар программаси. 17.10 — А. Хачатурян. «Спартак» балетига ёзилган куйлар. 17.30 — Уруш пайтларидаги бир воқеа (ҳужжатли фильм, 1-серия). 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Золушка (фильм-спектакль). 20.30 Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Вақт. 22.00 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳангларн. 22.45 — Адабий суҳбатлар. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Бизга мактуб йўллабсиз. 10.50 — Ёшлик. 11.50—Мультфильм. 12.00 — Мактаб ўқувчилари учун. 13.00 — Ёз кунларининг бирида. 14.05 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 14.45 — Бепоён Ватаним менинг. 15.10 — Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси таклиф этади. 17.35 — Ўйлаб топ. 18.05 — Ёшлик. 18.35 — Эртага премьера (кино кўрсатув). 19.05 — Ахборот. 19.20— Қўшиқ ва рақс. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ажал шамшири (видеофильм, 1-қисм). 21.30 — Вақт. 22.00 — Ажал шамшири (видеофильм, 2-қисм).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17VI да **Тоҳир ва Зуҳра**, 18/VI да **Масхарабозлар**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/VI да **Қиёмат қарз**, 18/VI да **Келинлар қўзголони** (12.00), **Қароқчилар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/VI да **Тошболта ошиқ**, 18/VI да **Тошкентнинг нозанин малинаси**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 17/VI (16.00, 19.30)да ва 18/VI (12.20, 16.00, 19.30) да **Лилипутлар ревюси**.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 20.30, 21.45).

Гайдулар шарафи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Даравш Парижни портлатади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Алиса энди бу ерда яшамайди — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тақдир — «КУКЧА» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.45, 22.20).

●

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«САМАРҚАНД» автостанциясида мавжуд бўлган жадвал бўйича автобусларнинг жўнаши янгидан бунёд қилинган ва фойдаланишга топширилган шаҳарлараро «ТОШКЕНТ» автовокзалига кўчирилди.

ЯНГИ АВТОВОКЗАЛГА КЎЧИРИШ ТАРТИБИ:

1. ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ШАҲАРЛАРИГА

1978 йил 16 июндан бошлаб

Андижон, Исфара, Конибодом, Қўқон, Ленинобод, Ленинск, Марғилон, Наманган, Советобод, Ўратепа, Фарғона;

2. ШИМОЛИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ШАҲАРЛАРГА

1978 йил 26 июндан бошлаб

Олмаота, Ананьево, Жамбул, Қизил Ўрда, Кентав, Талас, Фрунзе, Чимкент, Чўпонота;

3. БУХОРО ЙЎНАЛИШИДАГИ ШАҲАРЛАРГА

1978 йил 3 июлдан бошлаб

Арнасой, Бухоро, Гагарин, Гиждувон, Гулистон, Жиззах, Еттисой, Димитровo, Зомин, Зарафшон, Қарши, Комсомольск, Каттақўрғон, Мақтали, Навоий, Нурота, Пахтакор, Пахтаобод, Самарқанд, Сирдарё (экспресс), Гагарин номли 5-совхоз, Усмат, Фориш, Чордара, Янгиер.

ЯНГИ «ТОШКЕНТ» АВТОВОКЗАЛИ «ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ПРОСПЕКТИДА ЖОЙЛАШГАН БЎЛИБ, У ЕРГА МЕТРОДА «СОБИР РАҲИМОВ» СТАНЦИЯСИГАЧА БОРИЛАДИ. ШУНИНГДЕК, 103, 84-АВТОБУС МАРШРУТЛАРИ БИЛАН БОРИЛАДИ.

«САМАРҚАНД» автостанцияси ва янги «ТОШКЕНТ» автовокзали оралиғида ҳар куни соат 6.00 дан 24.00 гача автобусларнинг мунтазам ҳаракати йўлга қўйилган.

«ТОШКЕНТ» автовокзали ва «САМАРҚАНД» автостанциясининг справкалар бюросидан исталган маълумотларни билиб олиш мумкин.

Телефонлар: 76-84-52, 53-14-49.

АВТОВОКЗАЛДА ЙЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЭҲТИЕЖИНИ ҚОНДИРИШ МАҚСАДИДА АЛОҚА БЎЛИМИ, ШАҲАР ВА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АВТОМАТЛАР, САРТАРОШХОНА, БОЛАЛИ ОНАЛАР ХОНАСИ, БЎЮМЛАРНИ САҚЛАШ КАМЕРАСИ, КАФЕ, АПТЕКА, «СОЮЗПЕЧАТЬ» ВА «СОВҒАЛАР» КИОСКАЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН.

Узбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги.

АХЛОҚ МАВЗУИДА

ҲУРМАТ БЕЛГИСИ

Гаградаги дам олиш уйларидан бирида тошкентлик врач Содиқ Аҳмедович билан танишиб қолдим. Денгиз қирғоғидаги скамейкада иккаламизнинг суҳбатимиз чўзилиб кетди. Ҳаводан денгиз ҳиди уфуриб турар, иккимиз ҳам қуёш ҳозиргина тўлқинлар гирдобида ғойиб бўлган уфққа тикилиб ўтирардик.

— Бугун Тошкентдан хат олдим, — деди Содиқ ака чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб. — Аъзамовлар оиласидан. Дарвоқе, мен сизга улар ҳақида гапириб бермабмидим?

— Йўқ.

— Бўлмаса, хатни ўқинг. Бор гапга тушунасиз.

Мактубнинг қисқача мазмуни шундай эди:

«Қадрли Содиқ ака! Бугун Нилуфар иккимизнинг ҳаётимиздаги энг бахтли кун бўлди. Ўғил кўрдик. Бу кувончли воқеани сизга хабар қилай деб клиникага телефон қилсам, дам олишга кетганингизни айтишди. Шунда хат ёзишга қарор қилдим.

Мана, Сиз мен учун энг азиз бўлган инсонни ажал чангалидан қутқариб қолганингизга олти йил тўлди. У ҳозир батамом тузалиб кетган. Энди эса у она, мен бўлсам отаман. Эр-хотин ўйлаб бир қарорга келдик: Ўғлимизга Сизнинг исмингизни қўйдиган бўлдик. Оти Содиқ бўлсин. Ўз касбига, одамийлик бурчига бир умр содиқ бўлсин. Сизга нисбатан бўлган ҳурматимизни шу билан ифодаламоқчимиз...»

Денгизнинг мовий уфқи узра сўнгги кизил шуълалар аста-секин сўнди. Ок сочли тўлқинлар ҳамон соҳилга урилмоқда.

— Хотининг ҳаётини сақлаб қолганлигим масаласида Алижон бир ош бўрттириб юборибди, — орадаги жимликни бузди ҳамсуҳбатим, — тўғри, ниҳоятда мушкул операция эди. Аммо бемор ҳаётини сақлаб қолиш учун бор кучини, тажрибасини ишга солиш ҳар бир шифокорнинг бурчи эмасми?

Кечки овқат пайти бўлиб қолган эди, ўрнимиздан турдик.

— Тезда Тошкентга қайтаман, — деди йўл-йўлакай Содиқ Аҳмедович. — Алижоннинг кичкина ўғилчаси — адашим билан учрашаман. Билсам, энди мен унга тутинган ота бўлиб қолибман...

Инсонга ҳурмат белгиси... Нима билан ўлчанади у? Биринчи карашда бироз ғалати туюлган бу савол аслида унча ғайритабиий ҳам эмас. Дарҳақиқат, ҳурматнинг белгисини ҳар ким ўз тарозиси билан ўлчайди. Мана, тошкентлик ўқитувчи Аъзамовлар оиласи ўзларининг шифокорга бўлган чексиз ҳурматини юқорида баён қилинган йўл билан изҳор этишибди. Бошқа мисолда эса...

Бундан ўн икки йил муқаддам Наманган — Андижон йўлида рўй берган бахтсиз ҳодиса сабабли қишлоқнинг ёшгина аптекачиси Маннопжон ва унинг хотини бевақт вафот этиб, уйда икки яшар ўғилчалари Муаффар етим қолганди. Фармацевтика институтини тамомлаб, қишлоққа йўлланма билан келган бу ёш оила дорихонанинг ёнидаги чўғроқ бир уйда яшарди. Бу ерларда уларнинг ҳеч кими йўқ эди. Оила ўз қўшнилари — колхоз бригадири оиласи билан ниҳоятда қадрдон эди. Муаффар қуну-тун бригадир Холиқ ака Раҳмонов болалари билан бирга ўйнарди.

Эр-хотин шу кишлоқда дафн этилди. Кўп ўтмай, Маннопжон ва унинг хотинининг узоқ-яқин қариндошлари етиб келишди. Улар Муаффарни ўзимиз билан олиб кетамиз, деб туриб олишди.

— Бизга ўғил бўлиб қола қолсин, — таклиф қилди Холиқ ака, —Музаффар шу ерда туғилиб ўсди. Бизнинг болалар билан ака-укадай бўлиб кетган. Ота-онасининг йўқлигини билдирмаймиз. Ишонаверинглар...

У қариндошларни амалтақал ўз гапига кўндирди...

Мана, ҳозир Музаффар 14 ёшда. Аъло ўқияпти. Холиқ аканинг фамилиясида. Унинг болалари билан ака-ука. Холиқ акалар ҳам уни астойдил ўғлим, дейишади, шунга меҳр қўйишган. Ишонамизки, келажакда ҳам Музаффарнинг Холиқ акалар оиласига нисбатан бўлган ҳурмати ўн чандон ортади.

Қишлоқнинг сўлим оталар чойхонасида Холиқ ака билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Болаликнинг қадрини болалиги мушкул ўтганлар яхши билишади. — узоқдан гап бошладим мен. — Ўзингизнинг ҳам ёшлигингиз болалар уйида ўтган деб эшитгандим. Музаффарни ўғил қилиб олиб жуда олижаноб ишга қўл урибсиз.

— Биласизми, — ўйчанлик билан деди Холиқ ака, — бу кўпроқ унинг ота-онасига бўлган ҳурматимиз белгиси. Ҳеч ким ҳанузгача Маннопжонларча бутун қишлоқ аҳлининг ҳурматига сазовор бўла олгани йўқ.

Бригадир иссиқ кўк чойдан устма-уст ҳўплади-да, сўзида давом этди:

— Бутун қишлоқнинг шодлигини у ўз шодлиги деб, қайғусини ўз қайғуси деб билади. Унинг бировга бирон-бир яхшилик қилмаган куни бўлмасди. Ҳамма вақт юзида табассум, хушфеъл хол-аҳвол сўрарди. Адолат сизликни кўрса, жим туролмас, жафо чеккан одамни етаклаб, энг юқори ташкилотларгача ўзи олиб борарди. Тун ярмида уйготиб, «Маннопжон, фалончи огриб қолди, доктор мана бу дорини буюрди» десангиз, дарҳол дори тайёрлашга тушар, «буниси кор қилмаса, қайтиб келинг, бошқасини тайёрлаб бераман, ҳеч тортинмай келинг» дерди. Халигача уни ҳеч ким унутгани йўқ. Ҳар баҳор унинг қабрида дастадаста алвон гуллар пайдо бўлади.

Гуллар, таъзим, чуқур муҳаббат... Самимий ҳурматнинг белгиси, ҳамма жойда мана шундай бўлса керак.

Кишини ҳурмат қилиш — бу унинг кўпчилик олдидаги хизматларига берилган баҳо, хизматларининг эътирофидир. Шунинг учун ҳам Ватанимиз ўзининг энг яхши ўғил-кизларини тақдирлайдиган, кишиларимиз ғурур билан кўкракларига такиб юрадиган юксак мукофот — орденлардан бири «Ҳурмат белгиси» деб аталади.

Қодиржон СОБИРОВ.
Андижон область, Комсомолобод райони.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Моҳир қўллар. 10.25 — Концерт. 10.40 — Яна Анискин (бадиий фильм, 3-серия). 11.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.15 — Музикали программа. 12.45 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 13.15 — Поэзия. 14.20 — «Здоровье». 15.05 — Ўзимизнинг ўлка. 16.00 — Спортлото. 16.10 — Мўъжизасиз—мўъжизалар. 17.10 — П. И. Чайковский номли VI Халқаро конкурс, 1-тур. 17.45 — Халқаро мавзулардаги суҳбат. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильмлар программаси. 19.15 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар ниғоҳи билан. 19.30 — Чин қалбдан. 21.30 — Вақт. 22.00 — Фильм-концерт. 23.00 — Огир атлетика бўйича Европа чемпионати. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Телевизион миниатюралар театри. 10.50 — Ота-оналар университети. 11.20 — Буратиннинг саргузаштлари (бадиий фильм, 1-серия). 12.25 — Концерт. 12.55 — Самбо кураши бўйича СССР шахсий чемпионати. 13.55 — Замандас. 14.45 Ўзбекистон спорти. 17.35 — Мультфильм. 17.45 — Қувноқлар даврасида. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Ижод саҳифалари. Шуҳрат. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Мусиқа жавони. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Цирк программаси. 21.05 — Фильм-концерт. 21.30 — Вақт. 22.00 — Пахтакорларнинг муҳим вазифалари. 22.15 — Привалов миллионлари (бадиий фильм, 1-серия). 23.35 — Ёшларнинг республика спорт ўйинлари.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.10 — Душанба кўрсатувлари.

Радио

БУГУН

8.30 — «Ёш овозлар». 9.30 — Композитор С. Калонов қўшиқлари. 10.15 — «Дугоналар». 11.30 — О. Алимахсумов куйлайди. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Чўпон ёзги синовда». 13.30 — Дам олиш соатида. 14.00 — Гектаридан 100 центнер маккажўхори донг учун. 15.40 — «Ўнинчи беш йиллик йилномаси». 16.10 — Концерт. 17.30 — Уйғур куйлари. 18.15 — «Идеология ва ҳаёт». 18.30 — «Стартда олимпия ёшлиги». 18.50 — «Ёшлик». 20.25 — Музикали глобус. 21.00 Музикали программа. 22.23 — «Шодлик» ансамблининг солистлари ижро этади. 23.15 — Ўзбек классик қўшиқлари.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети коллективи республика радиосининг Наманган области бўйича ўз мухбири К. Ҳожиматовга онаси

Халчахон АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000. ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-53-05 секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54